


3-25-2020

TOPONYMS AS AN OBJECT OF LINGUISTIC RESEARCH

Sanjar Anorqulov Independent researcher
Uzbekistan State University of World Languages

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm>

 Part of the [English Language and Literature Commons](#), [Language Interpretation and Translation Commons](#), [Linguistics Commons](#), [Other Languages, Societies, and Cultures Commons](#), and the [Reading and Language Commons](#)

Recommended Citation

Anorqulov, Sanjar Independent researcher (2020) "TOPONYMS AS AN OBJECT OF LINGUISTIC RESEARCH," *Philology Matters*: Vol. 2020 : Iss. 1 , Article 15.
DOI: 10. 36078/987654423
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm/vol2020/iss1/15>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in *Philology Matters* by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.



Санжар Анорқулов

ЎзДЖТУ мустақил изланувчиси

ТОПОНИМЛАР ЛИНГВИСТИК ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА

АННОТАЦИЯ

Мақолада топоним тушунчаси, унинг турлари ва таснифланиши муҳокама қилинган. Таниқли ўзбек, рус, ва хорижий олимлар асарларидаги топонимлар ва уларнинг турлари бўйича мавжуд назарий адабиётлар батафсил шарҳланган.

Ономастика, хусусан, топонимика тилшунослик, география ва тарих фанларининг ўзаро боғлиқлигида пайдо бўлган фанлараро лингвистик йўналишдир деб таъкидланади. Топонимларнинг идентификация, номлаш ва тавсифлаш каби асосий хусусиятлари ва функциялари очиб берилган. Мақолада этимологик маълумотлар асосида объектларнинг номланиши, ўлчамлари ва шакли, семантик, тематик ва географик принциплари, морфологик ва грамматик тузилиши, функционал хусусиятлари асосида топонимлар таснифлари кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: топоним, ономастика, жой номлари, лингвистика, отлар, атоқли отлар, фанлараро.

Sanjar Anorqulov

Independent researcher of UzSWLU

TOPONYMS AS AN OBJECT OF LINGUISTIC RESEARCH

ANNOTATION

The article discusses the notion of toponym, its types and problems of its classification. The article provides detailed analysis of theoretical data concerning the problems of toponyms and their types given in the works of well-known Uzbek, Russian, German and English scholars in the sphere of toponymy. It is asserted that onomastics, in particular toponimics is an interdisciplinary linguistic trend that emerged at interface of linguistics, geography and history. The main characteristics and functions of toponyms as identification, nomination, and description are revealed. The article also highlights different types of classifications of toponyms on the basis of etymological data, according to objects' nomination, its size and shape, semantic, thematic and geographic principles, morphological and grammatical structure, functional peculiarities and etc.

Key words: toponym, onomastics, place names, linguistics, classification, common names, proper names, interdisciplinarity

КИРИШ

Ҳозирги вақтда илмий тадқиқотлар бир қатор билим соҳалари кесишувида динамик тарзда, самарали ривожланиб бормоқда. Мазкур ҳолат тил бирликларини тадқиқ қилишга доир фанлараро ёндашувнинг долзарблиги ва тилда акс этувчи инсон омилини тадқиқ қилишга эътибор қаратган антропоцентрик парадигманинг ривожланиши билан изоҳланади. Антропоцентрик парадигманинг таъсири остида тилшуносликда тилни бир неча фан кесишувида ўрганувчи психолингвистика, социолингвистика, этнолингвистика, когнитив лингвистика, лингвокультурология, прагмалингвистика, гендер лингвистикаси каби бир қатор йўналишлар вужудга келди [Арутюнова, 1998, Алефиренко, 2005, Кубрякова, 2004, Ашурова, Галиева, 2018, 2019]. Атоқли отлар ҳақидаги фан – ономастика ҳам шундай хусусиятларга эга. Атоқли отларнинг семантикаси ва типологияси, келиб чиқиши, функционал ва миллий-маданий ўзига хослиги, исмлар типологияси, номлар таснифини ўрганиш билан шуғулланувчи ономастика муаммоларига нисбатан қизиқишнинг ортиши нафақат тилшуносликда, балки адабиёт, маданиятшунослик, география соҳаларида кўп сонли ишларнинг пайдо бўлганлиги билан изоҳланади. В. А. Никонов, А. В. Суперанская, Н. И. Толстой, В. Н. Топоров, С. Кораев, Э. Бегматов сингари машҳур олимлар ономастикани мустақил лингвистик фан сифатида кўриб чиқадилар.

НАТИЖА ВА МУЛОҲАЗАЛАР

Ономастиканинг асосий ўрганиш бирлиги атоқли отлардир. Маълумки, барча отларни икки гуруҳга ажратиш мумкин: умумлаштирувчи турдош отлар (кейинги ўринларда ТО), алоҳида предметларни бошқалар қаторидан ажратувчи, индивидуаллаштирувчи атоқли отлар (кейинги ўринларда АО). Атоқли отлар шахсий ўзига хос характеристикаларга эга бўлиб, ўзига хос қаторни ҳосил қилади ва одатда турдош отларга қарама-қарши қўйилади. А.В.Суперанская таъкидлаганидек, турдош отлар асосий (номланувчи объект билан алоқадорлик тушунча орқали амалга оширилади) ва қўшимча коннотацияга эга бўлиб, номланувчи предметни синф билан мувофиқлаштиради. Номланувчи объект ноаниқ ва чекланмаган (аниқ нутқий вазиятлардан ташқари). Ўз навбатида атоқли от билан белгиланган предмет ҳар доим аниқ ва қатъий чегараланган [Суперанская 1973, с. 135].

Кўплаб тадқиқотчилар қайд қилганидек, атоқли отларнинг асосий характеристикаси идентификацияловчи функциядир (Гардинер, 1954; Бланер, 1971; Ульман, 1951; Суперанская, 1973; Бенкендорф 1991). А.В.Суперанская фикрича, атоқли от индивидуал предметни ёки ҳар бири индивидуал тарзда қабул қилинувчи ва шу боис тушунча билан бирлаштирилмаган бир нечта бир хил номли объектларни ифодалайди... Атоқли от билан белгиланган объект аниқ ва конкретдир [Суперанская 2007, с. 113]. От тушунча билан бевосита боғланмаган ва лисоний даражада аниқ, бир маъноли коннотацияга эга эмас [Суперанская, 2007, с. 324]. А.А.Реформатский ҳам қайд қиладики, «турдош отнинг атоқлига айланиши, энг аввало, тушунчанинг йўқолиши ва сўзнинг лақабга айланишини

ангалатади; аксинча, атоқли отнинг турдош отга айланиши сўзнинг янги “моддий белгиларга эга” янги тушунча билан бойитилишини ангалатади ва бу тушунча дастлабки турдош от билан боғлиқ тушунчадан мутлақо фарқ қилиши мумкин» [Реформатский 2005, с. 67 - 68].

Атоқли отлар турдош отлардан ҳосил бўлиб, ўша маънода қўлланилмайди ва бир қаторда кўриб чиқилмайди, чунки АОларнинг семантикаси анча мураккаб. АО улар томонидан номланувчи у ёки бу субъект ёхуд объектлар билан мувофиқ бўлишлари шарт, бу хусусият ТОларга хос эмас. Улар апеллятив лексикага нисбатан кўпроқ экстралингвистик (нолисоний) омиллар таъсирига учрайдилар. АОлар тилнинг луғат составига кириши ва кирмаслиги, унинг қонуниятларига бўйсунishi ёки бўйсунмаслиги мумкин [Суперанская, 1973, с. 18]. АОларнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги фикрни ривожлантирган ҳолда лингвистик адабиётларнинг ҳар томонлама таҳлилига эътибор қаратамиз. Р.З. Мурясов фикрича, «Атоқли от тилда нафақат лексик жиҳатдан алоҳида аҳамиятга эга, балки у турдош отдан фарқли ўлароқ орфографик, морфологик, грамматик (морфологик ва синтактик), сўз яшаш ва услубий ўзига хосликлари билан характерланади [Мурясов, 1983, с.4].

АОларнинг морфологик даражадаги ўзига хослиги шундаки, АОлар таркибида қўлланилувчи хизматчи морфемалар сонининг кўплигидир [Суперанская 1969, с. 11]. Орфография даражасида АОларнинг ўзига хослиги уларнинг бош ҳарф билан ёзилишида ифодаланади. У график ва орфографик сигнал бўлиб хизмат қилади (*das gelbe Wasser* = ТО; *das Gelbe Wasser* = АО).

А.В. Суперанская фонологик даражада ҳам АО ўзига хослигини қайд қилади. АО халқаро лексиканинг намояндалари сифатида бир тилдан бошқа тилга ташки ўзгаришларсиз ўзлаштирилиши мумкин. Ўзлашган АО ўзлаштирувчи тилнинг меъёр ва қоидаларига мослашади, фонологик ва морфологик шакли олади. ТОлар ўзлаштирилганда ўзлаштирувчи тилнинг фонологик тизимига тез сингиб кетади, АОлар эса ўз индивидуаллигини узоқ вақт сақлаб қолади [Суперанская 1969, с.15; Никонов 1965, с. 107-109].

Р.З. Мурясовнинг фикрича, АОларнинг турли даражаларда юзага чиқарилувчи ўзига хосликлари орасидан унинг семантик ўзига хослигини бошқа лингвистик хусусиятлари (масалан, немисча топонимларнинг кўп ҳолларда морфологик структурасига зид келувчи род характеристикаси, кўплик шаклини ҳосил қила олмаслиги, турланиш парадигмасининг дефектлилиги, шунингдек уларнинг суствлашган деривацион имкониятлари ва бошқ.) ни шартловчи дастлабки, асосий омил сифатида ажратиш жоиз [88]. Бундан ташқари, бир қанча олимлар АОлар тиллараро хусусиятга эгаллигини таъкидлаб, уларнинг бир тилдан бошқасига таржима қилинмаслигини [Мурясов 1983, с. 4-5], тил эгалари томонидан онгли тартибга солиниш имкониятини [Калақуцкая, 1979, с.69-84]. қайд қиладилар.

Атоқли отлар – реал оламдаги одатий тил белгилари, яъни турдош отлар яратилувчи предметлар учун ўзгача белгилар тизимини ҳосил қилувчи ўзига хос тил белгиларидир. Агар атоқли от билан номланувчи предмет аниқ

ва бошқаларидан кескин ажартилган бўлса, турдош от билан номланган предмет ноаниқ ва чегараланмаган. А.В. Суперанская қайд қилганидек, ўзларининг апеллятивларини вужудга келтирган мазкур алоҳида белгиларнинг алоқаси нолга интилади, номланувчи объектлар тушунчаси билан эса предмет воситасида боғланади. Уларнинг предметларнинг ўзи билан алоқадорлиги эса одатий белгилардан кўра кучлироқ. Атоқли отлар индивидуаллаштиради, турдош отлар эса умумлаштиради. Агар атоқли от умумлаштира бошласа, у турдош отга айлана бошлайди [Суперанская, 1973, с.135; Суперанская, 1974].

Шундай қилиб, АО ва ТО ўртасидаги фарқлар тўғрисида юқорида айтиб ўтилганларни умумлаштириб, таъкидлаш мумкинки, АО номинатив бирлик сифатида уларни турдош отлардан ажратиб турувчи семантик юкламага эга. ТОларнинг асосий функцияси – таснифлаш ва объект жинсига ишора қилишдир, АОларнинг асосий функцияси эса объектни идентификациялаш ва индивидуаллаштириш. А. А. Реформатский турдош отларнинг “максимал тушунарлилиги”га, атоқли отларнинг эса “максимал номинативлилиги”га ишора қилади [Реформатский 1964, с. 9].

В. Шмидт ономастикага доир тадқиқотларнинг асосий объектлари сифатида антропонимика ва топонимикани ажратади: «...Антропонимлар сирасига инсонларнинг исмлари (Rufnamen) ва уларнинг фамилиялари (Familiennamen) киради; топонимлар сифатида тор маънода аҳоли ҳудудлари номлари (Siedlungsnamen), кенг маънода эса мамлакат ва қитъалар номлари (Ländernamen), тоғ номлари (Bergnamen), дарё номлари (Flufnamen), ўрмон номлари (Waldnamen), дала ва адирлар (Flurnamen) номлари мансубдир [Schmidt, 1960, с. 318]. Бир қатор тадқиқотчилар гуруҳи антропонимлар ва топонимлардан ташқари ономастикага астронимлар – осмон жисмлари, зоонимлар – ҳайвонларнинг лақаблари, реалионимлар (объект номлари), мифонимлар (ўйлаб топилаган объектлар номлари), хоронимлар (исталган ҳудуд, вилоят, туманлар номларининг йиғиндиси) қабиларни ҳам киритадилар [ЛЭС, 1991, с.347]. Шунингдек, ономастика АОларнинг пайдо бўлиш тарихи, уларни номлаш мотивлари, онимларнинг бир қатордан бошқа қаторларга ўтишининг турли усуллари, ҳудудий ва лисоний ареалларни ўрганади [Бондалетов, 1970, с. 17–23]. Муайян бир халқда у ёки бу даврларда мавжуд бўлган АОлар ономастик макон сифатида талқин қилинади. Мазкур термин А.В. Суперанская томонидан 1973 йили таклиф қилинган: «Ономастик макон — бир халқнинг тилида реал, гипотетик ва фантастик объектларни номлаш учун фойдаланилувчи АОлар йиғиндисидир. У мазкур халқнинг ҳозирги вақтдаги тасаввурларида мавжуд бўлган модел билан белгиланади, аммо унда ҳамиша аввалги замонлар элементлари ҳам сақланади. Турли маданиятлар, даврлар, ҳудудларга мансуб одамларда ономастик макон мутлақо турличадир» [Суперанская 1986: 9].

Юқорида тилга олинган ономастик бирликлар орасида кенг тарқалган топонимлар анча муҳим аҳамиятга эгадир. Топонимларни тадқиқ қилишга бағишланган кўп сонли изланишлар топонимикани ономастиканинг алоҳида

йўналиши сифатида ривожлантириш имконини берди.

Топонимика бир нечта фан: тилшунослик, тарих ва география кесишувида пайдо бўлган фанлараро фандир. Топонимиканинг фанлараро моҳияти шундаки, у маданиятшунослик, тарих, география, жамиятшунослик, теология, фалсафа ва бошқа фанлар билан чамбарчас алоқадор бўлиб, шу тариқа лингвистик ва бошқа гуманитар фанлар мажмуаси билан боғлангандир. Зеро, «топонимиканинг кўплаб далиллари турли-туман лингвистик, тарихий ва географик материалларни жалб қилиш орқалигина тўлиқ изоҳланиши мумкин» [Попов, 1965, с. 24]. Топонимиканинг мураккаб, мажмуавий фанлараро моҳияти шундан кўринади.

Топоним деганда «алоҳида географик объект (аҳоли пункти, дарё, ер-мулк ва бошқ.)нинг хусусий номлари» тушунилади [Ожегов 1999, с. 803]; «Ердаги табиий объектнинг, шунингдек инсон томонидан яратилган ва шу ҳудудда аниқ қайд қилинган объект (шаҳар, қишлоқ, ернинг ишлов берилган қисми, давлатнинг бир бўлаги бўлган ҳудуд, коммуникация ва ҳоказо)нинг хусусий номи» [Подольская 1988, с. 127]. тушунилади.

Топоним аниқ бир ҳудуднинг номи бўлиб, маконда мўлжал олишга ёрдам беради ва ўзига хос шартли белги вазифасини бажаради. Моддий объект атрофдаги ландшафтдан қанчалик аниқроқ ажратилса, унинг атоқли отга айлана олиши шунчалик юқори бўлади, яъни кўп нарса номланувчи объект характери (хусусияти)га боғлиқ. А. В. Суперанская «Что такое топонимика?» сарлавҳаси остидаги ишида топонимларнинг ҳар хил турларини таҳлил қилиб, хулоса қилишчи, топоним-белгилар муайян географик объектларни ажратади, аммо улар билан алоқасини йўқотар экан тил ёдгорликлари сифатида сақланади, аммо ўзи тўғрисида ҳеч қандай маълумот бермайди. Топоним-тавсифлар объектни тавсифлайди, мазкур географик объект ҳақида ахборот беради, бир ёки бир неча белгилари асосида уни кўриб топиш, таниш имконини беради. Албатта, топоним-«белгилар» ва топоним-«тавсифлар» берилган реалия нимани ифодалаши ҳақида ахборот бериши мумкин: Ледовитый океан (Муз океани), Новгород (янги шаҳар), Большое озеро (Катта кўл). Келтирилган географик номлар объект номи характерига кўра фарқланади. А. В. Суперанская қадимийроқ номлар тавсифий характерга эга деб ҳисоблайди [Суперанская 1985, 37 – 41].

Юқорида ҳам қайд қилиб ўтилганидек, кўплаб олимлар АОларнинг асосий функцияси сифатида онимларнинг, хусусан топонимларнинг идентификацияловчи номинатив функциясини тан оладилар.

Бироқ, назарий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, кўп олимлар топонимларнинг функцияларини тизимга солишга уринадилар. Масалан, В.Д. Беленькая жамиятда номлаш функцияси билан аҳолининг номларни қабул қилишини боғлаган ҳолда топонимларнинг қуйидаги функцияларини ажратади: кўрсаткич (ориентир, мўлжал), кўрсаткич + характеристика, кўрсаткич + идеологик функция, кўрсаткич + эмоционал бўёқдорлик. Шу билан бирга олим мотивацияланмаган номлар фақат кўрсаткич (дейктик) функцияга, мотивацияланганлари эса уни объект характеристикаси, идеологик функция ва эмоционал бўёқдорлик билан уйғунлаштиради [Суперанская 1973, с. 271]. В.А. Никонов

топонимларнинг уч функциясини ажратади: 1. Топонимларнинг адресли (манзилли) функцияси мажбурий, чунки «топонимнинг тўғридан тўғри мажбарияти – манзил бўлиб хизмат қилиш, айнан шунинг учун у номланади». 2. Дескриптив (тавсифий) функция мажбурий эмас, у фақатгина топонимнинг топонимгача бўлган маъноси ҳали мавжуд бўлган пайтдагина бўлиши мумкин. 3. Идеологик функция объектнинг ғоявий мазмунли “бўёғи”ни ифодалашдан иборат: Мустақиллик майдони. Бундай топонимлар ном-бағишловни ўзида ифодалайди [Никонов, 1965, 62-63]. Е. Л. Березович фикрича, топонимнинг асосий функцияси – мўлжал олишдир, чунки топонимия номлашда объектларнинг хусусиятларини ёки уларнинг бошқа объектлар ёхуд инсонлар билан ўзаро алоқадорлигини акс эттиришга, яъни мотивацияланганлик ва мазмуний тўлиқликка интилади. Топонимлар ўзларининг шаффоф семантикаси ҳисобига мўлжал олиш имкониятларини кўллаб-қувватлайди [Березович 1991, 76].

А.В. Суперанская ушбу функцияларнинг ажратилишига қўшилмайди ва гарчи от маъносининг идеологик компоненти ономастик маънонинг асосий қисмини ташкил этса-да, идеологик юкламани функция деб аташ тўғримики, деб қайд қилади. А.В. Суперанская тавсифий аспекти отни мотивациялаш типларидан бири, аммо етакчиси ва яғонаси ҳам эмас деб белгилайди. Муаллифнинг қайд этишича, мотивацияланган от муайян ахборотни ташийди, аммо от ушбу ахборотни киритиш учун яратилмайди. Шунинг учун топонимнинг бутун “тавсифий функцияси” унинг ҳақиқий нутқий амал қилишига эмас, балки кўпроқ яратилиш тарихига доирдир. У сўзнинг от ҳосил қилинувчи лисоний ахборотига асосланади, тарихий ривожланишининг муайян босқичида объектнинг хусусиятларини акс этириб, унинг энциклопедик ахборотига хизмат қилади. А.В. Суперанская манзилли функцияни ажратишни инкор этган ҳолда у билан топонимларнинг номинатив функцияси орасига тенглик ишорасини қўйиб бўлмаслигини, зеро номлар манзилни аниқлаштирмасдан, номланувчи топообъектнинг харитадаги координаталарини кўрсатмасдан ҳам берилиши мумкинлигини таъкидлайди [Суперанская 1973, с.270].

А.В. Суперанская АОларнинг функциялари ҳақидаги турли-туман фикрларни умумлаштириган ҳолда хулоса қиладики, АОларда шахсий ўзига хос функция мавжуд эмас. Уларнинг асосий лексик функцияси – номинация, асосий грамматик функцияси эса – гапда эга ва тўлдирувчини ифодалаш. Вазиятга боғлиқ равишда отлар нутқда бошқа лексик бирликларга ўхшаши, хабарнинг асоси бўлиб хизмат қилиши (коммуникатив функция), шунингдек, чақирув сифатида иштирок этиши (апеллятив функция), ифода воситаси сифатида (экспрессив функция) қўлланилиши мумкин. Идентификация, адрес, дейксис, мурожаат, ажратиш, кўчириш, дифференциация (фарқлаш), тавсиф – буларнинг барчаси отларнинг мустақил функцияси эмас, балки коммуникатив функциянинг ўзига хос аниқлаштирилиши ва бўлинишидир. Отларнинг идеологик ва эмоционал юкламаси ҳам алоҳида функция эмас [Суперанская 1973: 276].

Топонимиканинг асосий масалаларидан бири – топонимларни таснифлашдир. Берилган таснифларнинг бу каби таҳлилини А.В. Суперанская амалга

оширган. Отларнинг лисоний (лингвистик) ва нолисоний (экстралингвистик) характеристикаларига таянган ҳолда олима таснифларнинг қуйидаги типларини ажратади:

1. Отларнинг объект номинацияси билан боғлиқ таснифи. Табиий географик объектлар қуйидагиларга бўлинади: гидронимлар (сув объектлари номлари), ўз навбатида гидронимлар қуйидагиларни ўз ичига олади: океанонимлар (океанлар номлари), пелагонимлар (денгизлар номлари), лимнонимлар (кўл номлари), гелонимлар (ботқоқлик номлари), потамонимлар (дарё номлари); оронимлар (рельеф элементлари ва шакллари номлари: тоғ, қир, адир, чуққи, қиялик, текислик, плато, чуқурлик, жарлик, водий ва ҳоказо), улар спелеонимлар (ғор, ер ости номлари), дримонимлар (ўрмон, адир, ўрмон қисмлари номлари)ни ўз ичига олади. Инсон томонидан яратилган объектлар: ойконимлар (аҳоли турар жойлари номлари: шаҳар, қишлоқ, овул, турли станциялар, колхозлар, совхозлар ва бошқ.), улар ўз навбатида қуйидагиларга бўлинади: полисонимлар (шаҳар номлари), комонимлар ёки хорионимлар (қишлоқлар номлари); дромонимлар (хабар йўллари, маршрут (йўналишлар) номлари); урбанонимлар (шаҳар ичи объектлари номлари), булар эса дромонимлар (йўл номлари), годонимлар (одопут) кўча номлари, агоронимлар – майдон, парклар ва боғлар номларига бўлинади [Суперанская 2007, 187].

2. Топонимларнинг географик объект ҳажми ва катталиги нуқтаи назаридан таснифи: *микротопонимлар* (кичик географик объектлар, маҳаллий ландшафт хусусиятлари номлари: кўллар, ирмоқлар, дала, йўллар, кўприклар, майдонлар ва ҳоказолар номлари) ва *макротопонимлар* (йирик табиий ёки инсон томонидан яратилган ва сиёсий-бошқарув бирликлари номлари).

3. Топонимларни сўзнинг муайян лексик-семантик ёки мавзуй гуруҳга мансублиги нуқтаи назаридан таснифлашда антропотопонимлар, монотопонимлар, этнотопонимлар, зоотопонимлар ва бошқаларга бўлиш мумкин.

4. Топонимларнинг навбатдаги таснифида топоасоснинг тарихий-этимологик хусусиятини ҳисобга олинади. Тилнинг ўз қатлам лексикаси ёки ўзлашган қатлам лексикаси бирликлари апеллят – топоасос бўлиши мумкин (ўзга тилдаги номлар, гибрид номлар, қадимий номлар).

5. Топонимларнинг тарихий-хронологик тамойилга кўра таснифи географик номларни пайдо бўлиш даврига нисбатан ажратади: ўзбек топонимикасида сўғдий, туркий, арабий пластлар; немис топонимикасида ҳинд-европа (индоевропейский), герман (германский), қадимги немис (древненемецкий), қадимгидан олдинги немис (древневерхнемецкий), ўртадан олдинги немис (средневерхнемецкий), янгидан олдинги эрта немис (ранненововерхнемецкий) ва янги немис даврлари ажратилади.

6. Топонимларнинг географик тамойилга кўра таснифи: муайян вилоят ёки ҳудудга мансуб топонимлар.

7. Топонимларнинг семантик-мотивацион ва этимологик хусусиятларига кўра таснифида топонимлар қуйидагиларга ажратилади: а) аниқ семантикали; б) ноаниқ, яширин семантикали топонимлар.

8. Топонимларнинг функционал ўзига хосликлари асосидаги таснифи топонимларни қуйидагиларга ажратади: а) нофункционал ва б) функционал.

9. Топонимларнинг сруктур маълумотлари асосидаги таснифи: от топонимлар, сифат-топонимлар, феъл-топонимлар.

10. Топонимларнинг морфологик структура (СМ) асосидаги таснифи ТА-Оларни қуйидагиларга ажратади: 1) содда, 2) қўшма, 3) жуфт, 4) таркибли топонимлар [Суперанская 1973: 148-160].

11. Топонимларнинг лексик-семантик тамойилга кўра таснифида, энг аввало, топоасосларнинг лексик-семантик ёки мавзуй гуруҳларга ёхуд онимларнинг турли синфларига мансублиги ҳисобга олинади, зеро улар номинатив жараённинг асосини ташкил этади. Мазкур аспектда семантик тасниф асослари тилшуносликда А.М. Селищев, В.А. Жучкевич, М.Э. Мурзаев ва бошқалар томонидан яратилган. Бундай топонимлар сирасига социумнинг сиёсий, ижтимоий, диний ҳаёти, унинг касбий, хўжалик фаолияти, шунингдек ландшафтлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини акс эттирувчи топонимлар киради.

Шундай қилиб, санаб ўтилган ҳар бир тасниф топонимларни тадқиқ қилишга доир муайян ёндашувга асосланган бўлиб, топонимларнинг бирор-бир аспектини тадқиқ қилишга йўналтирилган: морфологик, структур, семантик, этимологик ва бошқ.

ХУЛОСА

Топонимлар ўзига хос морфологик, фонетик, орфографик хусусиятлар билан характерланувчи АОлардир. АОлар ТОларга нисбатан иккиламчи характерга эга бўлиб, бир маънолилик, аниқлик, таржима қилинмаслик билан характерланади. Топонимлар асосий функцияси идентификациялашдир, чунки ҳар қандай топоним муайян географик объектни идентификациялайди.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Alefirenko N.F. *Sovremenniyе problemi o yazike*. – М.: Flinta: Nauka, 2005. - 416 str.
2. Arutyunova N.D. *Yazik i mir cheloveka, 2-ye izd. ispr.* – М.: Yaziki russkoy kulturi, 1998. – 896 s.
3. Belenkaya V.D. *Ocherki angloyazichnoy toponimiki/ V. D. Belenkaya*. – М.: Visshaya shkola, 1977. - 226 s.
4. Belenkaya, V.D. *Toponimi v sostave leksicheskoy sistemi yazika / V. D. Belenkaya*. - М.: Izd-vo Mosk. un-ta, 1969. - 168 s.
5. Benkendorf G.D. *Imena sobstvenniye kak terminoelementi v staticheskom i dinamicheskom aspektax (po materialam nemetskogo yazika): dis.... kand. filol. nauk / G. D. Benkendorf*. – Kiyev, 1991. - 166 s.
6. Bondaletov V.D. *Onomastika i sotsiolingvistika // Antroponimika*. – М.: Nauka, 1970, s. 17-23
7. Kalakutskaya L.P. *O spetsifichnosti onomastiki kak leksicheskoy kategorii // Vostochno-slavyanskaya onomastika*. – М.: Nauka, 1979, s. 69-84
8. Kubryakova Ye.S. *Yazik i znaniye. Na puti polucheniya znaniy o yazike. Chasti rechi s kognitivnoy tochki zreniya. Rol yazika v poznanii mira/Ros. akademiya nauk. In-t yazikoznaniya*. – М.: Yaziki slavyanskoy kulturi, 2004. - 560 c.
9. Qorayev S. *Toponimika Toshkent, 2006, 228 b.*
10. *Lingvisticheskiy ensiklopedicheskiy slovar*. – М., 1991, 1174 s.